

**Суюлтирилган углеводородли газни корхона ва ташкилотларга
сотиш бўйича № П 9 -сонли Х И С О Б - Ш А Р Т Н О М А**

2021 й. «12» январь

Нукус шаҳри

Низом асосида фаолият юритувчи “GULNORA GAZ SERVIS” МЧЖ номидан директор Н.Эрметов (кейинги матнларда «Сотувчи» деб юритилади) бир томондан, низом асосида фаолият юритувчи Сайтақовий МЧЖ номидан раҳбари Нураҳмаков (кейинги матнларда «Харидор» деб юритилади) иккинчи томондан (биргаликда “Томонлар”) мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Ушбу шартномага асосан ҳар ойнинг бошида “Сотувчи” нинг банкдаги ҳисоб рақамига «Харидор» нинг банкдаги ҳисоб рақамидан ўзининг газ билан юрадиган автомобилларига сарфланадиган суюлтирилган углеводородли газни (кейинги матнларда қисқача СУГ деб юритилади) миқдорига тенг бўлган пул маблағини 100 % олдиндан ўтказгандан кейин, “Сотувчи” ўзининг автомобилларга газ қуйиш шахобчасидан (кейинги матнларда қисқача АГҚШ деб юритилади) куйидаги кўрсатилган ҳажмлардан келиб чиқиб, бир йил мобайнида «Харидор» нинг автомобилларига (газ боллонига) СУГ ни қуйиб беришни таъминлайди:

№	Сотиладиган товар, маҳсулотнинг номи	Ўлчов бир- лиги	Бир йиллик сотиш миқдори	Шу жумладан, йил чоракликлари бўйича тақсимланиши			
				1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
1	Суёлтирилган углеводородли газ (СУГ)	литр	2550	2550			
х	Ж а м и	х					

1.2. СУГ Ўзбекистон Республикаси хом-ашё биржалари (Ўз РТСБ) орқали сотиб олинishi сабабли СУГ нинг баҳоси ўзгариб туришини эътиборга олган ҳолда, “Сотувчи” томонидан СУГ ни сотиш бўйича тузилган калькуляциядаги нарх (олинган СУГнинг таннарни, табиий, технологик йўқотишлар сарфи, электр энергия, сув, эҳтиёт қисмлар, ЁММ, газ асбоб-ускуналарини таъмирлаш, чет корхоналарнинг СУГни сақлашга, қатнашга кўрсатадиган хизматлари, асосий воситаларнинг эскириши, ходимларнинг ойлик маоши ва унинг ажратмалари давр харажатлари, молиявий харажатлар, ер, мулк, сув, фойда, акциз, ҚҚС солиқлар, рентабеллик ва бошқа харажатлар асосида ҳиобланган нарх) бўйича амалга оширилади.

1.3. «Харидор» га бериладиган СУГ ҳажми “Сотувчи”нинг газ қуйиш колонкасидаги ўлчов асбоблари бўйича аниқланади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

2.1. Сотилаётган товар (СУГ) ҳисоб-китоби шу СУГ берилаётган вақтда амалдаги нархлар бўйича амалга оширилади. Шу сабабли шартноманинг олдиндан тахминий ўртача қийматдаги умумий қиймати 10200.000 (Ҳи миллион икки юз шеш сум.) сўмга белгиланиб, шундан 15 % (ўн беш фоизли) қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) нинг суммаси 1330434,78 (бир миллион ич юз ўттиз шеш тўрт юз ўттиз тўрт сум.) сумми, ҳамда жами олинаётган СУГ нинг миқдоридан ҳисобланадиган акциз солиғини ташкил қилади, ушбу белгиланган қиймат ушбу шартноманинг охирига амал қилиш муддатигача юқорида қайд қилинган сабабларга кўра ўзгариши мумкин.

2.2. Сотилаётган товар (СУГ) нинг нархи ушбу шартноманинг 1.2. бандига монанд «Таъминотчи» корхоналарда материаллар, ёқилғи-энергетик ресурсларининг қийматининг ўзгариши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари ва миёёрланган ҳужжатларининг ўзгаришларига асосан ўзгартириб борилади.

2.3. «Харидор» га СУГ мазкур шартноманинг 1.1. бандига мос равишда томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб ўн банк куни мобайнида олдиндан 100 фоиз ҳақ тўлаш учун «Сотувчи» нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул маблағини ўтказиб беришни, технологик талаб ва миёёрлар «Харидор» томондан тўлиқ бажарилишини ва материал жавобгар шахс номига берилган ишончнома тақдим қилиниши таъминлангандан кейин, ведомостларга қайд қилиш тартибида амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Харидор» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. «Харидор» «Сотувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган СУГ ни тегишли сифатида ва ўзаро келишилган муддатларда қуйиб олишни талаб қилишга ҳақли.

3.2. «Харидор» газ баллон билан жиҳозланган автомобилларининг (маиший газ баллонларининг) ва унинг технологик қурилмаларининг умумий техник ҳолатини талаб даражасида сақлашни, хайдовчининг йўл варағида уни қайд қилиб боришни, техника (ёнғин, электр, газ) хавфсизлиги бўйича керакли чоралар кўришни таъминлайди.